

Тошкент ислом институтида конференция ўтказилади



18:12 / 15.01.2025 1375

2025 йил халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник тадбирлар режалари тасдиқланди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2024 йил 27 декабрдаги 490-сон буйруғига асосан 2025 йилда 252 та ташкилот томонидан 665 та халқаро ва 600 та республика миқёсида, жами 1265 та илмий ва илмий-техник тадбир ўтказилиши режалаштирилган.

Эътиборлиси, мазкур рўйхатда Тошкент ислом институти кафедралари томонидан таклиф этилган конференциялар мавзулари ҳам киритилган.

Жорий йил 24 апрелда “Ислом дини асл манбаларини талқин қилишдаги ёндашувлар: муаммо ва ечимлар” мавзусида халқаро ва 30 октябрда

“Долзарб ақидавий ва замонавий фикҳий масалалар” мавзусида республика миқёсидаги конференция Тошкент ислом институтида ўтказилади.

[Халқаро миқёсда ўтказиладиган илмий тадбирлар рўйхати](#)

[Республика миқёсда ўтказиладиган илмий тадбирлар рўйхати](#)

Манба: [@ilmiy_darajali_kadrlar](#)